

«ТАСДИҚЛАНГАН»



«PARKENT UNIVERSAL SAVDO KOMPLEksi»

АЖ аксиядорларининг 2021 йил

31 марта даги қарори билан

«PARKENT UNIVERSAL SAVDO KOMPLEksi» аксиадорлик жамиятининг УСТАВИ (янги таҳрирда)

ЖАМАИЙДАР КУКУДИЙ КИЛДИ

1. Аж аксиадорлик жамиятининг тарбият мураси бўлган ва ўзбекстандаги таҳсилотни излаб олтишни кимга олдиши, яхонни таъсислаштиришни курунган олардадан таъсислаштиришни бўлганини маъбутиятни анилди, ахлатни таъсислаштиришни бўлганини кунди.

2. Аж аксиадорлик таъсислаштиришни бўлган ва ўзбекстандаги таҳсилотни излаб олдиши, яхонни таъсислаштиришни курунган олардадан таъсислаштиришни бўлганини маъбутиятни анилди, ахлатни таъсислаштиришни бўлганини кунди.

3. Аж аксиадорлик таъсислаштиришни бўлган ва ўзбекстандаги таҳсилотни излаб олдиши, яхонни таъсислаштиришни курунган олардадан таъсислаштиришни бўлганини маъбутиятни анилди, ахлатни таъсислаштиришни бўлганини кунди.

4. Аж аксиадорлик таъсислаштиришни бўлган ва ўзбекстандаги таҳсилотни излаб олдиши, яхонни таъсислаштиришни курунган олардадан таъсислаштиришни бўлганини маъбутиятни анилди, ахлатни таъсислаштиришни бўлганини кунди.

5. Аж аксиадорлик таъсислаштиришни бўлган ва ўзбекстандаги таҳсилотни излаб олдиши, яхонни таъсислаштиришни курунган олардадан таъсислаштиришни бўлганини маъбутиятни анилди, ахлатни таъсислаштиришни бўлганини кунди.

Тошкент ш.

1. Умумий қоидалар

1.1. «PARKENT UNIVERSAL SAVDO KOMPLEKSI» aksiyadorlik jamiyati (бундан бўён "Жамият" деб номланади) хўжалик юритиш ҳукуқига асосланган жамият сифатида тижорат, хўжалик ва бошқа ҳар қандай қонунда тақиқланмаган фаолиятларни амалга ошириш учун ташкил топган мустакил хўжалик юритувчи субъектdir.

1.2. Жамият, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуни (янги таҳрирда) ҳамда амалдаги қонунчилик ва қонун ости ҳужжатларига асосан фаолият кўрсатади.

1.3. Жамиятнинг тўлиқ номи:

Ўзбек тилида:

- лотин алифбосида: «PARKENT UNIVERSAL SAVDO KOMPLEKSI» aksiyadorlik jamiyati;
- кирилл алифбосида: «ПАРКЕНТ УНИВЕРСАЛ САВДО КОМПЛЕКСИ» акциядорлик жамияти,

Инглиз тилида:

Joint stock company «PARKENT UNIVERSAL SAVDO KOMPLEKSI»

Рус тилида:

- акционерное общество «ПАРКЕНТ УНИВЕРСАЛ САВДО КОМПЛЕКСИ»;

1.4. Жамиятнинг қисқартирилган номи:

Ўзбек тилида:

- кирилл алифбосида: «PARKENT UNIVERSAL SAVDO KOMPLEKSI» АЖ;
- лотин алифбосида: «PARKENT UNIVERSAL SAVDO KOMPLEKSI» AJ;
- рус тилида: АО «ПАРКЕНТ УНИВЕРСАЛ САВДО КОМПЛЕКСИ»;
- инглиз тилида: JSC «PARKENT UNIVERSAL SAVDO KOMPLEKSI».

1.5. Жамиятнинг жойлашган ери (пошли манзили): индекс 100007, Тошкент шаҳри, Яшнобод Паркент кўчаси 74 уй.

1.6. Жамиятнинг электрон почта манзили: info@parkent-bozori.uz

1.7. Жамиятнинг расмий веб.сайти: <http://webmail.parkent-bozori.uz/>

2. ЖАМИЯТНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ

2.1. Жамият юридик шахс ҳисобланади ва ўзининг мустақил балансида ҳисобга олинадиган алоҳида мол-мулкига эга бўлади, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳукуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогор ва жавобгар бўлиши мумкин.

2.2. Жамият давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб юридик шахс ҳукуқларига эга бўлади.

2.3. Жамият билгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси худуди ва ундан ташқарида банқдан ҳисоб ва рақлари очишга ҳақлидир.

2.4. Жамият ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган манзили кўрсатилган юмолақ муҳрига эга бўлади.

2.5. Жамият ўз номи ёзилган штамп ва бланкалирига, ўз тимсолига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар нишонига, ҳамда бошқа ўз белги-аломатларига эга бўлишига ҳақлидир.

2.6. Жамият қонун ҳужжатларида тақиқланмаган фаолиятининг ҳар қандай турларини амалга ошириш чоғида ҳукуқларга эга бўлади ва мажбуриятларни ўз зиммасига олади.

3. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ РЎЙХАТИ.

3.1. Акциядорлик жамияти хўжалик фаолиятини хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш принципларидан фойдаланиш, жамият акционерлари ва меҳнат жамоасининг моддий ҳамда ижтимоий эҳтиёжларни кондириш мақсадида амалга оширади.

3.2. Кўзланган мақсадга мувофиқ қўйидагиларни амалга оширади:

- Озиқ – овқат маҳсулотлари ва уни қайта ишлашдан олинадиган маҳсулотлар, ёрдамчи ва хунармандчиллик корхоналари маҳсулотлари савдосини ташкил қилиш учун керакли шароитларни яратиш;
- Турғун савдо шаҳобчалари (шу жумладан савдо павильонлари, киоскалари) дан фойдаланган ҳолда чакана ва майда улгуржи олди – сотисини амалга ошириш;
- жисмоний ва юридик шахсларга ўз тасарруфидаги биноларни ижарага бериш;
- хўжаликлар ва аҳолининг маҳсулотларини сотиш учун жалб қилиш мақсадида реклама ва бошқа тадбирларни ташкил қилиш;
- четдан товарларни жалб қилиш, шахсий товарларни ишлаб чиқариш ва уларни сотиш аҳолига, ташкилот ва корхоналарга хизмат кўрсатиш;
- Ўзбекистон Республикаси қонунларига биноан ташкил иқтисодий фаолият кўрсатиш;
- тижорат, дорихона, савдо – харид корхоналари, умумий овқатланиш шаҳобчалари очиш;
- жамият таркибидаги савдо харид корхонаси орқали жисмоний шахслар, озиқ – овқат маҳсулотларини ва уларни қайта ишлашдан олинадиган маҳсулотларни харид қилиш ва ушбу маҳсулотларни корхона, муассаса ва ташкилотларга улгуржи савдоси орқали сотиш ҳамда жамият ихтиёридаги дўконлар орқали чакана сотиш;
- савдо – харид фаолияти, улгуржи ва чакана савдо;
- умумий овқатланиш соҳасида хизмат турларини кўпайтириш, ресторон, кафе, барлар очиш, миллӣ ва европа таомларини тайёрлаб сотиш;
- жисмоний шахс ёки ҳукуқий шахс ҳукуқини берувчи, шу жумладан тижорат корхоналарини, марказларини ташкил қилиш;
- пуллик авто турар жойларини, майший хизмат кўрсатиш шаҳобчаларини, кирхоналар, сартарошхоналар, косметолог корхоналари ва салонлар, бошқа майший хизмат шаҳобчаларини ташкил этиш ва улардан фойдаланиш, аҳоли ва корхоналар учун майший хизмат кўрсатиш;
- ҳар-хил қандолат моллари, салқин ичимликлари, музқаймоқ ишлаб чиқариш ва сотиш;
- ун тайёрлаш ва саклаш, қайта ишлаш, нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотиш;
- тижорат, савдо-сотиқ ва савдо-воситачилик фаолияти;
- томошалар, шоу ўйинлари, лотериялар, ижодий мусобақалар, кечалар, учрашувлар, тантаналар, спорт тортишувлари ва беллашувлари, бошқа маданий-оқартув, спорт соғломлаштириш ва томоша тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш шунингдек, бундай тадбирларда қатнашиш;
- бинолар ва уйларни қуриш, эгаллаш, ташкил этиш, лизинг шартлари бўйича ёки бошқа асосларда ижарага бериш, шунингдек улардан фойдаланиш, дўконлар, универсамлар, супермаркетлар, савдо уйлари, ярмаркалар, киосклар, лотоклар, савдо жойлари ва бошқа савдо обьектларини ташкил этиш;

- қимматли қоғозлар чиқариш, сотиш, сотиб олиш ва сақлаш, улар билан бошқа операциялар ўтказиш;
- лойиха-смета хужжатларини тузиш ва ишлаб чиқиш, лойихалаш-изланиш, қурилиш, қурилиш-монтаж, юргизиш-тузатиш, таъмирлаш ва пардозлаш бўйича ишларни ташкил этиш ва ўтказиш, уй-жой фонди, саноат, хизмат учун ижтимоий ва маданий-майший бинолар, иншоотлар ва объектларнинг қайта қурилишини амалга ошириш;
- риэлектерлик фаолияти, кўчмас мулк обьектларини эгаллаш, фойдаланиш, ижарага бериш ва сотиш, кўчмас мулк билан бошқа операцияларини амалга ошириш;
- стационар ва кўчма авто ёқилғи қўйиш шаҳобчаларини ташкил этиш ва улардан фойдаланиш, мамлакатда ишлаб чиқарилган ва чет эл маркали автомобиллар, ҳар-хил транспорт воситалари ва бошқа техникага техник хизмат кўрсатиш ва тузатиш корхоналарининг тармоғини тузиш ва улардан фойдаланиш;
- бозор конъюктурасини ўрганиш, сотиладиган товарларни баҳо ва баҳоларни ташкил қилишни ўрганиш, ички ва ташки ҳамкорлар билан алоқаларни тиклаш тадбирларни ўтказиш;
- Конунда тақиқланмаган бошқа фаолият турлари билан шуғулланиш ва ташкил этиш.

3.3. Жамият рухсатнома зарур бўлган фаолият билан шуғулланиши хукуқига, бундай рухсатнома олгандан сўнг ёки рухсатномада кўрсатилган давр ичида ушбу фаолият билан шуғулланиши мумкин.

3.4. Жамият кўрсатилган фаолиятни бажариш мақсадида аукционларда, биржва бошқа савдода, ярмаркаларда, фонд ва товар бозорларида тижорат тадбирларида қатнашиши мумкин, у шартномалар, битимлар ва битишувлар тузади, турли юридик актлар ва битимлар, шу жумладан кредит-хисоб, касса муаммоларини амалга оширади.

3.5 Жамиятнинг фаолияти муддати чекланмаган.

4. ЖАМИЯТНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Ўз фаолиятини амалга ошириш ва олдида турган вазифаларни ечиш учун Жамият қуидаги хукуқларига эгадир:

белгиланган тартибда банкларда турли, шунингдек валюта хисоб ракамларини очиш, банк кредитлари ва ссудаларини олиш, амалдаги конунчилик асосида хар кандай тулов шаклларини бериш ва акцептлаш, айирбошлиш (валюта алмаштириш) тартибига асосан ваколатли банклар оркали уз маблагларини айрибошлиш;

ўзининг ишлаб - чиқариш ва хўжалик фаолиятини ҳамда ижтимоий ривожлантириш жамғармаларини мустақил режалаштириш;

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилиги асосида мустақил равишда ўз қарамоғидан (балансидан) мол - мулк, карз, камомад, бошқа зиёнларини чиқариш;

Жамият Уставида белгиланган масалаларни бажариш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш - техник йўналишидаги маҳсулотлар, хом - ашё, материаллар, транспорт сотиб олиш;

ҳомийлик ва хайрия фаолиятни амалга ошириш;

конунчиликка мувофик, ўз ходимлари учун кушимча иш таътиллари, кискартирилган иш куни, иш тартиби ва бошқа ижтимоий имтиёзларни ташкил этиш;

4.2. Жамият ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли мол-мулк билан жавобгар бўлади.

4.3. Акциядорлар жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайдилар ва унинг фаолияти билан боғлиқ зиёнларни ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида тўлади.

4.4. Акциялар ҳақининг ҳаммасини тўламаган акциядорлар жамият мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланган қисми доирасида солидир жавобгар бўладилар.

4.5. Жамият ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

4.6. Давлат ва унинг органлари жамият ўз зиммасига олган мажбуриятлар юзасидан жавобгар бўлмайдилар, худди шунингдек жамият ҳам давлат ва унинг органлари олган мажбуриятлар юзасидан жавобгар бўлмайди.

4.7. Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи маълумотлар ошкор этилиши мумкин эмас.

4.8. Жамиятнинг мансабдор шахслари ва хизматчилари Жамиятнинг тижорат сирини ошкор килганлик учун конун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

4.9. Жамиятнинг тижорат сири тоифасига киритилган ахборот билан Жамиятда ишлаш тартиби ва у билан ишлаш тартибини бузганлик учун жавобгарлик Жамият директори томонидан белгиланади.

5. ЖАМИЯТ УСТАВ ФОНДИНИНГ МИҚДОРИ.

5.1. Жамиятнинг устав фонди акциядорлар сотиб олган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади.

5.2. Жамият чиқарадиган барча акцияларнинг номинал қиймати бир хил бўлади.

5.3. Жамият устав фонди унинг мол-мулкининг ўз кредиторлари манфатларини кафолатлайдиган даражадаги энг кам миқдорларини белгилайди.

5.4. Жамият устав фондининг миқдори 1 126 000 000.0 (бир миллиард бир юз йигирма олти миллион) сўмни ташкил этади ва номинал қиймати 1000 (бир минг) сўм бўлган 1 126 000 (бир миллион бир юз йигирма олти минг) дона оддий эгасининг номи ёзилган акцияларга бўлинган, улардан 100% акциялар жойлаштирилган.

5.5. Жойлаштирилган акцияларга қўшимча тартибда жамият умумий қиймати 4 524 000 000 (тўрт миллиард беш юз йигирма тўрт миллион) сўмлик, номинал қиймати 1000 (бир минг) сўм бўлган 4 524 000 (тўрт миллион беш юз йигирма тўрт минг) дона оддий эгасининг номи ёзилган ҳужжатсиз шаклдаги акцияларни чиқаришга ҳақли. Оддий эгасининг номи ёзилган акциялар овоз берувчи бўлиб, уларнинг эгасига дивиденлар олиш, акциядорларнинг умумий йиғилишларида ва жамиятни бошқариша иштирок этиш хукуқини беради, жамият тутатилган тақдирда эса, жамия мол-мулкининг бир қисмини олиш хукуқига эгадир.

а) Жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш

5.6. Жамиятнинг устав фонди акциялар номинал қийматини ошириш ёки қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

5.7. Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш тўғрисидаги ва жамият уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги қарорлар жамиятнинг кузатув кенгаши ёки акциядорлар умумий йиғилиши томондан қабул қилинади.

5.8. Қўшимча акциялар Жамият томонидан ушбу уставда белгиланган эълон килинган акциялар сони доирасидагина жойлаштирилади.

5.9. Акциядорларнинг умумий йиғилиши жамият чиқаришга ҳақли бўлган эълон килинган акциялар миқдорини белгилайди.

5.10. Қўшимча акциялар Жамият томонидан ушбу уставда белгиланган эълон килинган акциялар сони доирасидагина жойлаштирилади.

6) Жамиятнинг устав капиталини камайтириш

5.11. Жамиятнинг устав капитали акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор килган ҳолда жамият томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

5.12. Жамиятнинг устав капиталини камайтириш тўғрисидаги ва жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

5.13. Жамиятнинг устав капиталини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинаётганда акциядорларнинг умумий йиғилиши устав капиталини камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

6. ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИ БЎЙИЧА ДИВИДЕНДЛАР ТЎЛАШ ТАРТИБИ

6.1. Дивиденд жамият соф фойдасининг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган қисмидир.

6.2. Жамият акцияларнинг ҳар бир тури бўйича эълон қилинган дивидендерни тўлаши шарт.

6.3. Дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд жамиятнинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

6.4. Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра, жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендерни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

6.5. Жамиятнинг молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи натижаларига кўра дивидендерни тўлаш тўғрисидаги қарори тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичида қабул қилиниши мумкин.

6.6. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендерни тўлаш, дивидендинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор жамият кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хulosаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисбот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Дивидендерни миқдори жамият кузатув кенгаши томонидан тавсия этилган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас. Дивидендерни тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендерни тўлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.

6.7. Жамият томонидан оддий акциялар бўйича ҳисобланган дивидендерни тўлаш акциядорларнинг дивидендерни олишга бўлган teng хуқуqlariga riоя этилган ҳолда амалга оширилади.

6.8. Дивидендерни тўлаш муддати ва тартиби акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланади. Дивидендерни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтмиш кундан кеч бўлмаслиги лозим.

6.9. Эгаси ёки эгасининг қонуний хуқуқий вориси ёхуд меросхўри томонидан уч йил ичида талаб қилиб олинмаган дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра жамият ихтиёрида қолади.

6.10. Жамият Ўзбекистон Республикаси норезидент акциядорининг ёзма талабига кўра унга ҳисобланган дивидендерни эркин айирбошланадиган валютага айирбошлаб, маблағларни норезидент акциядор тақдим этган банк ҳисобварагига ўтказиб бериши шарт.

6.11. Жамият акциядорларининг реестридан олинган, жамият томонидан тасдиқланган кўчирма ҳамда жамият бухгалтериясининг ҳисобланган дивидендлар суммаси ва улар ҳисобланган сана тўғрисидаги маълумотномаси айирбошлаш учун асос бўлиб хизмат қиласи.

6.12. Жамият дивидендларнинг миқдорини улардан ундириладиган солиқларни инобатга олмаган ҳолда эълон қиласи. Жамият тўланадиган дивидендлар миқдори тўғрисидаги маълумотларни қимматли қофозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг ва жамиятнинг расмий веб-сайтларида қонун хужжатларида белгиланган муддатларда эълон қиласи.

7. ЖАМИЯТНИНГ ЗАХИРА ФОНДИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

7.1. Жамият соф фойда ҳисобидан захира фондини ҳамда жамият фаолияти учун зарур бўлган бошқа фондларни акциядорларнинг умумий йиғилишида ташкил этади.

7.2. Жамиятнинг захира фонди, бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, жамиятнинг заарлари ўрнини қоплаш, жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади. Захира фондидан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.

7.3. Жамият устав капиталининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда жамият захира фонди тузилади.

7.4. Жамият захира фондига ушбу уставнинг 7.3-бандида белгиланган миқдорга етгунига қадар ҳар йили соф фойдадан 5% миқдорида ажратмалар ўтказилади.

7.5. Захира фонди тўлалигича ёки қисман сарфланиб бўлган ҳолларида, мажбурий ажратмалардан тикланади.

8. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИННИНГ ТУЗИЛМАСИ

8.1. Жамият бошқарув органлари - Акциядорларнинг умумий йиғилиши, Кузатув кенгаши ва Ижроия орган раҳбари (Директор).

9. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ.

9.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши жамиятнинг юқори бошқарув органидир.

9.2. Жамият ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини) ўтказиши шарт. Акциядорларнинг умумий ҳисбот йиғилиши молия йили тугаганидан кейин кўпчи билан олти ой ичида ўтказилади.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида жамиятнинг кузатув кенгашини ва тафтиш комиссиясини сайлаш тўғрисидаги, жамиятнинг яккабошлиқ асосидаги ижроия органи (бундан буён матнда “Директор” деб юритилади), коллегиал ижроия органининг (бундан буён матнда бошқарув деб юритилади) аъзолари, ишончли бошқарувчи билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги ҳақидаги масалалар ҳал этилади, шунингдек ушбу уставнинг 8.5 бандига мувофиқ жамиятнинг йиллик ҳисботини, жамият ижроия органи ва кузатув кенгашининг жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисботлари, йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш, жамиятнинг фойдаси ва заарларини тақсимлаш ва бошқа хужжатлар кўриб чиқилади.

Акциядорларнинг йиллик умумий йигилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йигилишлари навбатдан ташқари йигилишлардир.

9.3. Барча оддий акциялар битта акциядорга тегишли бўлган холатда акциядорларнинг умумий йигилиши ўтказилмайди.

9.4. Жамият устави билан акциядорларнинг умумий йигилиши ваколатига киритилган масалалар бўйича қарорлар бундай акциядор томонидан якка тартибда қабул қилинади ҳамда ёзма шаклда расмийлаштирилади. Бунда, жамият акциядорларининг умумий йигилишига тайёргарлик кўриш, уни чақириш ва ўтказиш тартибини ҳамда муддатларини белгиловчи қоидалари қўлланилмайди, акциядорларнинг йиллик умумий йигилишини ўтказиш муддатларига тааллуқли қоидалар бундан мустасно.

9.5. Акциядорлар умумий йигилишининг ваколат доирасига қуидагилар киради:

- жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;

- жамиятни қайта ташкил этиш;

- жамиятни тугатиш, тутатувчини (тутатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

- жамият қузатув кенгашининг ва миноритар акциядорлар қўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

- эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

- жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш;

- ўз акцияларини олиш;

- жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш) ва раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

- жамият тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек тафтиш комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

- жамиятнинг йиллик ҳисоботини, йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш, шунингдек жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиқсан ҳолда жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш

- жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;

- жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айрбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- имтиёзли ҳукуқни қўлламаслик тўғрисида қарорни қабул қилиш;

- акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уошган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

- акциядорлар умумий йигилишининг регламентини тасдиқлаш;

- акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

- жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларни, шунингдек уларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш;

- аудиторлик текширувани ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш ҳақида қарор қабул қилиш;

- қонунчилікда белгіланған ҳолларда жамият томонидан йирик битимлар ва жамият аффилланған шахслари билан битимлар тузиш тұғрисида қарор қабул қилиш;

- қонун хужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

Жамият күзатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун хужжатларидан белгіланған талабларга риоя этилиши юзасидан жамият күзатув кенгашининг хисоботларини ва тафтиш комиссиясининг холосаларини эшитиш, йирик битим тузиш масаласи бўйича жамият күзатув кенгашининг яқдиллигига эришилмаган тақдирда йирик битим тузиш тұғрисидаги масала күзатув кенгашининг қарорига кўра акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун олиб чиқилгандаги масала ва баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тұғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият соғ активлари миқдорининг эллик фоизидан ортиғини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тұғрисидаги масалалар бўйича қарор, аффилланған шахс билан тузилаётган битимни маъқуллаш хақидаги қарор, акциядорлар умумий йиғилиши томонидан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик (малакали кўпчилик) овози билан қабул қилинади. Бошқа масалалар бўйича қарорлар оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

Солиқка оид ёки давлат олдидағи бошқа қарздорлик ҳисобига жамият устав фондидаги давлат улушкини шакллантириш ёки ошириш тұғрисидаги қарор жамият акциядорлари умумий йиғилиши томонидан жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг камида учдан икки қисми эгалари бўлган акциядорларнинг (давлатдан ташқари) розилиги мавжуд бўлган тақдирда, акциядорларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар жамиятнинг ижроия органи ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

9.6. Жамият акциядорлари умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар жамиятнинг күзатув кенгashi хал қилиши учун берилиши мумкин эмас, куйидаги масалалар бундан мустасно:

- жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) купайтириш билан боғлик ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

- Акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

- қимматли қоғозларнинг хосилаларини чиқариш тұғрисида қарор қабул қилиш;

- жамиятнинг ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш), раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тутатиш;

- жамиятнинг ижроия органига тўланадиган хак ва компенсациялар миқдорларини белгилаш;

9.7. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш якунлари ушбу қарорлар қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай акциядорлар эътиборига етказилади.

9.8. Жамият акциядорлар умумий йиғилиши Жамиятнинг «Акциядорлар умумий йиғилиши тұғрисида»ги Низом асосида чақирилади ва ўтказилади.

10. ЖАМИЯТ КҮЗАТУВ КЕНГАШИ.

10.1. Жамият Күзатув кенгashi Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, акциядорлар умумий йиғилишининг мутлақ ваколатига тааллуқли масалалар бундан мустасно.

10.2. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра жамият кузатув кенгашиниң аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўланиши ва (ёки) кузатув кенгашиниң аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлик харажатларининг ўрни қопланиши мумкин. Бундай ҳақ ва тўловларнинг микдорлари акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланади.

10.3. Жамият кузатув кенгашиниң ваколат доирасига куйидагилар киради:

- жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чоратадбирлар тўғрисида жамият ижроия органининг ҳисботини мунтазам равишда эшлиб борган ҳолда жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

- акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чакириш, қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно;

- акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;

- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўtkaziladigan сана, вақт ва жойини белгилаш;

- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўtkaziliши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

- жамият уставига ўзgartishi ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш масалаларини акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;

- мол-мulkнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

- жамиятнинг йиллик бизнес-режасини маъқуллаш. Бунда жамиятнинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес-режаси жамият кузатув кенгаши мажлисида жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай маъқулланиши лозим;

- ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисботларини эшлиб бориш;

- жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва жамият кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

- жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг микдорлари юзасидан тавсиялар бериш;

- дивиденд микдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

- жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

- жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

- жамиятнинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;

- йирик битимлар ва аффилланган шахслар билан амалдаги қонунчилик талабларидан келиб чикган ҳолда, битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;

- жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлик битимларни қонун ҳужжатларида белгилangan тартибда тузиш;

- жамиятнинг устав фондини кўпайтириш масалаларини, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав фондини кўпайтириш ҳамда жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлик ўзgartishi ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш;

- жамият акцияларининг жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

- жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- жамиятнинг ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш), раҳбарнинг ваколатларини “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунини 79-моддасига ва бошқа меъёрий хужжатларга асосан муддатидан илгари тугатиш. Жамият ижроия органининг раҳбарини тайинлаш тўғрисидаги қарор, коида тариқасида, чет эллик менежерлар иштирок этиши мумкин бўлган танлов бўйича саралаш асосида амалга оширилади.

- ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорларини белгилаш;

10.4. Жамият Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Жамият Ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

10.5. Жамият Кузатув кенгashi аъзоларининг сони 9 (тўқиз) кишидан иборат бўлади.

10.6. Жамият кузатув кенгашининг аъзолари амалдаги қонунчилик ва «Кузатув кенгashi тўғрисидаги Низом»да назарда тутилган тартибда акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан бир йил муддатга сайланади.

10.7. Жамиятнинг Кузатув кенгashi аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони Жамиятнинг Кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариқа олинган овозларни битта ҳомзодга тўлиқ беришга ёки уларни икки ва ундан ортиқ ҳомзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақлидир. Энг кўп овоз тўплаган ҳомзодлар Жамият Кузатув кенгashi таркибиға сайланган деб хисобланади.

10.8. Жамиятнинг кузатув кенгashi таркибиға сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.

10.9. Жамият Кузатув кенгашининг раиси Кузатув кенгash аъзолари томонидан уларнинг ўзлари орасидан Жамият Кузатув кенгashi аъзолари умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан сайланади. Жамият Кузатув кенгashi ўз раисини жами аъзоларининг кўпчилик овози билан қайта сайлашга ҳақлидир.

10.10. Жамиятнинг кузатув кенгashi таркибиға сайланадиган шахсларга нисбатан қўйиладиган талаблар, уларни сайлаш тартиби ва фаолият юритиш тартиби акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан тасдикланган «Кузатув кенгashi тўғрисида»ги Низомда белгилаб қўйилади.

10.11. Жамият Кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, Кузатув кенгashi мажлисларини чақиради ва уларда раислик қиласи, мажлисда баённома юритилишини ташкил этади.

10.12. Жамият директори жамиятнинг кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас.

10.13. Айни шу жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар жамиятнинг кузатув кенгashi аъзоси бўлиши мумкин эмас.

10.14. Жамият кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум жамият кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг етмиш беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.

10.15. Жамият кузатув кенгashi аъзоларининг сони ушбу уставда назарда тутилган миқдорнинг етмиш беш фоизидан кам бўлган тақдирда, жамият кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилишини чақириши шарт. Кузатув кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари умумий йигилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишга, шунингдек жамият ижроия органи раҳбарининг ваколатлари

муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлашга ҳақлидир.

10.16. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади. «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар хукукларини химоя килиш» конунинг (янги таҳрирда) 18-моддаси иккинчи ва тўртинчи қисмларида кўрсатилган масалалар бўйича қарор жамият кузатув кенгashi томонидан бир овоздан қабул қилинади. Жамият Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Кузатув кенгашнинг бошқа аъзосига беришига ҳақли эмас. Жамият Кузатув кенгashi аъзоларининг овозлари teng бўлган ҳолда, Жамият Кузатув кенгashi Раисининг овози ҳал этувчи ҳисобланади.

10.17. Жамият кузатув кенгashi томонидан давлат вакилининг иштирокисиз қабул қилинган қарорлар, шунингдек вето қўйилган қарорлар ижро этилмайди.

10.18. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Кузатув кенгashi мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай тузилади. Мажлис баённомасида қуидагилар кўрсатилади:

- мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;
- мажлисда ҳозир бўлган шахслар;
- мажлиснинг кун тартиби;
- овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш якупнлари;
- қабул қилинган қарорлар.

10.19. Жамият кузатув кенгashi мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган жамият кузатув кенгashi аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

10.20. Жамият кузатув кенгashi мажлисининг баённомаси имзоланган куни жамиятнинг ижроия органига ижро этиш учун топширилади. Кузатув кенгashi акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда мазкур қарор ҳақидаги ахборот жамиятнинг ижроия органига кузатув кенгашининг мажлиси ўтказиладиган куни топширилади.

10.21. Жамият Кузатув кенгashi раиси йўқ бўлган ҳолларда унинг вазифасини Кузатув кенгash аъзоларидан бири амалга оширади.

10.22. Жамият Кузатув кенгashi мажлислари унинг раиси томонидан ҳар чоракда камида бир марта чақирилади. Заруриятга қўра Жамият Кузатув кенгашининг навбатдан ташқари мажлислари ҳам ўтказилиши мумкин.

10.23. Жамият Кузатув кенгashi Жамиятнинг «Кузатув кенгashi тўғрисида»ги Низом асосида иш олиб боради.

11. ЖАМИЯТНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ.

11.1. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик яккабошчилик асосидаги ижроия органи – Директор томонидан амалга оширилади.

11.2. Жамият ижроия органи (Директор) жамиятнинг ижро этувчи органи ҳисобланиб, унинг кундалик фаолиятини бошқаради ва оператив раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Жамият Устави, акциядорлар умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгашининг қарорларига мувофиқ амалга оширади.

11.3. Жамият Директори акциядорлар умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгашига ҳисбот беради.

11.4. Жамият Директори Кузатув кенгаши томонидан тайинланади ва акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади. Директор билан меҳнат шартномасини жамият номидан Жамият Кузатув кенгаши раиси имзолайди.

11.5. Жамият уставига мувофиқ ёки акциядорлар умумий йиғилишининг ёхуд жамият кузатув кенгашининг қарорига кўра жамият директорини ёки бошқарув аъзоларини тайинлаш, коида тариқасида, чет эллик менежерлар иштирок этиши мумкин бўлган танлов бўйича саралаш асосида амалга оширилади.

11.6. Жамият Директорининг ваколатларига жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, акциядорлар умумий йиғилишининг мутлақ ваколатларига ёки Жамият Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно. Агар директор томонидан мазкур масалалар ўзбошимчалик билан амалга оширилса, Кузатув кенгаши директор билан тузилган меҳнат шартномани бир томонлама бекор қилишгача бўлган чораларни қўлллашга ҳақли.

11.7. Жамият Директори акциядорлар умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади.

11.8. Жамият Директори мазкур устав ва акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган «Ижроия органи тўғрисида»ги Низом асосида иш олиб боради.

11.9. Жамиятнинг директорига тўланадиган ҳақ микдори, хизматларига ҳақ тўлаш шартлари жамият фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади ва шартномада белгиланган бўлиши керак.

11.10. Жамиятнинг директори вазифаларини бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларидағи лавозим билан биргаликда эгаллаб туришга фақат жамият кузатув кенгашининг розилиги билан йўл қўйилади.

11.11. Жамият кузатув кенгаши жамият директори билан тузилган шартнома шартларини бузган тақдирда у билан тузилган шартномани тугатишга (бекор қилишга), ҳақли.

11.12. Жамият Директорининг ваколатларига қўйидагилар киради:

- мазкур устав ва Жамият Кузатув кенгаши томонидан ўзига берилган ваколатларга мувофиқ Жамиятнинг ишига раҳбарлик қиласи;

- Жамият Кузатув кенгашининг розилигига кўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этади;

- Жамият номидан ишончномасиз иш юритади ва унинг манфаатларини химоя қиласи;

- Жамият номидан битимлар тузади, жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси раҳбарини тайинлайди;

- штатларни тасдиқлайди, жамият ходимларини ишга қабул қиласи, улар билан меҳнат шартномаларини тузади, бекор қиласи ва уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллайди, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини сақлаб туришини таъминлайди;

- жамият номидан амалдаги қонунчиликка асосан ишончномаларни беради;

- жамиятнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

- жамиятнинг ички меъёрий хужжатларини тасдиқлайди;

- ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг самарали ва барқарор ишлashingни таъминлаган ҳолда унинг жорий фаолиятига раҳбарлик қиласи;

- акциядорлар умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини ташкил этади;

- амалдаги қонунчиликка мувофиқ Жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботининг ташкил этилиши, зарур ҳолати ва ишончлилигини, йиллик ҳисботлар ва бошқа молиявий ҳисботлар тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилишини, шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлайди;

- амалдаги қонун хужжатларига ҳамда Жамият ички хужжатларига риоя қиласди.

11.13. Жамият Директори ўз хуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда жамият манфаатларини кўзлаб иш тутиши лозим.

11.14. Жамият Директори қонун хужжатларига ва ушбу ўставга мувофиқ жамият олдида жавобгардир.

12. ЖАМИЯТНИНГ ТАФТИШ КОМИССИЯСИ.

12.1. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга тафтиш комиссияси (тафтищчи) сайланади. Жамият тафтиш комиссияси 3 (уч) кишидан иборат.

12.2. Жамият тафтиш комиссияси аъзоларига доир малака талаблари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланади. Айни бир шахс айни бир жамиятнинг тафтиш комиссияси таркибига кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

12.3. Жамият тафтиш комиссиясининг ваколат доираси қонунчиликда ва «Тафтиш комиссияси тўғрисидаги» Низом билан белгиланади.

12.4. Жамият тафтиш комиссиясининг фаолият кўрсатиш тартиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган «Тафтиш комиссияси тўғрисидаги» Низомда белгиланади.

12.5. Жамият тафтиш комиссиясининг ёзма талабига кўра жамият ижроия органида мансабни эгаллаб турган шахслар жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги хужжатларни тафтиш комиссиясига тақдим этиши шарт.

12.6. Жамият тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида жамият кузатув кенгашининг аъзоси бўлиши, шунингдек айни шу жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаши мумкин эмас.

12.7. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш тафтиш комиссиясининг, акциядорлар умумий йиғилишининг, жамият кузатув кенгашининг ташаббусига кўра ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра жамият кузатув кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият якунлари бўйича амалга оширилади.

12.8. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра жамиятнинг тафтиш комиссияси холоса тузади, бу холосада:

- жамиятнинг ҳисботларида ва бошқа молиявий хужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо;

- бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда қонун хужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборот кўрсатилиши шарт.

12.9. Тафтиш комиссияси жамиятда аффилланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун хужжатларининг ва жамият ички хужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги холосани ҳар чоракда жамият кузатув кенгашининг мажлисига олиб чиқади. Ушбу банднинг 12.8. кисмида кўрсатилган ахборотни ўз ичига олган холоса акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида эшитилади.

13. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

- 13.1. Устав бўйича келиб чиқадиган барча низо ва келишмовчиликлар акциядорларнинг ўзаро келишуви йўли билан амалдаги қонун хужжатлари ва ушбу уставга асосан ҳал қилинади.
- 13.2. Низо ва келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал қилиш имконияти бўлмаган тақдирда улар тегишли равишда суд орқали ҳал қилинади.
- 13.3. Мазкур Устав Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган вақтдан бошлаб кучга киради.

«PARKENT UNIVERSAL SAVDO KOMPLEksi»

aksiyadorlik jamiyatি директори в.о



Б.Б.Турсунходжаев